

Маърузачи,  
судья: О.Мухаммадиев

Биринчи инстанция судида ишни  
кўрган судья: У.Хакимов  
Апелляция инстанцияси судида  
маърузачи судья: Х.Шамшиев

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

28.05.2024 йил Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья М.Мирзохидов, ҳайъат судьялари: Н.Касимова ва О.Мухаммадиевлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ш.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Р.Раджапов, судланган Т.Буриевнинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат З.Зарифовларнинг иштирокида, Т.Буриевга оид 1-1010-2303/138-сонли жиноят ишини, суд қарорларига нисбатан судланган Т.Буриев томонидан тафтиш тартибида берилган шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 20.06.2023 йилдаги ҳукмига кўра,

**Буриев Тоир Махмуджонович** (Buriyev Toir Maxmudjonovich), 31.07.1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 11.12.2001 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддаси 5-қисми билан, 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,

2) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 21.07.2004 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 4-қисми “в” банди билан, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 59-моддаси 4-қисми тартибида 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони ўташ муддати 27.09.2001 йилдан ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги “...Амнистия қарори”га асосан тайинланган жазо, 1/3 қисмига қисқартирилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.12.2002 йилдаги “...Амнистия қарори”га асосан тайинланган жазо муддати 1/5 қисмига қисқартилган, 27.12.2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг



30.11.2006 йилдаги Амнистия қарори 4-банди”га асосан жазодан озод этилган,

3) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Хамза (Яшнобод) туман судининг 02.08.2012 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддаси 3-қисми “а” банди билан, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо 22.02.2012 йилдан бошланиши белгиланган, жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 04.08.2014 йилдаги ажримига кўра, ЖК 74 моддасига асосан ўталмай қолган 4 йил 6 ой 18 куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 27.01.2017 йилдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 3 ой жазосидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Сокин 2-тор кўчаси 2-уйда яшаган, ЖПК 224-моддаси тартибида 19.10.2022 йилда ушланган, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 20.10.2022 йилдаги ажримига асосан “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 24.02.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 28,246-моддаси 2-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан унга ўташ учун узил-кесил 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Т.Буриев ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топилган ва унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси махсус тартибли колонияда ўташи белгиланган.

Т.Буриевга нисбатан ЖК 96-моддасига асосан тиббий муассасаларда гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тайинланган.

Ашёвий далил сифатида олинган ва 06.12.2022 йилдаги № 03764-сонли квитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХ ММТТ бош бошқармасига сақлаш учун топширилган 3424,46/2012,71 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддалари воситалари йўқ қилиниши белгиланган.

Ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармасининг ашёвий далиллар хонасида сақланаётган 1.240.750 сўмга баҳоланган 1 дона “Samsung A03s” русумли, 2.121.500 сўмга баҳоланган 1 дона “Redmi Note 8”, 1 дона SAMSUNG VERIZON (SM-B311V UD) русумли, 70.000 сўмга баҳоланган 1 дона “NOVEY A11” русумли, 997.200 сўмга баҳоланган 1 дона “RedMi 9C” 32 GB русумли, 63.000 сўмга баҳоланган 1 дона “Nokia1280” русумли, 650.000 сўмга баҳоланган 1 дона “Samsung SM-A600FN/DS” русумли, 7.477.173 сўмга баҳоланган 1 дона “Samsung S 22” русумли телефон аппаратлари белгиланган тартибда давлат эгалигига ўтказилиши белгиланган.



Ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармасининг ашёвий далиллар хонасида сақланаётган 1 дона “Uniweigh” номли электрон тарози, 1 дона бакалажка қопқоғи, 1 дона қўлбола усулда ясалган темир мослама ва 1 дона ангишвона йўқ қилиниши белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 07.09.2023 йилдаги ажрими билан ҳукмнинг Буриев Тоир Махмуджоновичга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш бўйича Абдраймов Абдубакир Абдилимидович, Бегматов Бахтиёр Хошимджонович, Аширов Асрор Тўлаганович, Каримов Музаффар Бегалиевич, Даробов Мирзожаҳон Мирзоабдураимовичлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми бўйича тафтиш протести ёки шикояти билдирилмаганига кўра, муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, жиноят иши доирасида олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Абдраймов Абубакр Абдулимидович, Буриев Тоир Махмудович, Бегматов Бахтиёр Хошимжонович, Каримов Музаффар Бегалиевич, Аширов Асрор Тўлаганович, Тожикистон Республикаси фуқароси Даробов Мирзожаҳон Мирзоабдурахимович, терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган Тожикистон Республикаси фуқароси “Фахриддин”, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига алоқадорлиги учун жазо муддатини ўтаган Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида яшовчи «Алижон» исмли шахслар ва бошқалар олдиндан жиноий тил бириктиришиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини Тожикистондан Тошкент вилоятига контрабанда қилиш ва сотиш юзасидан жиноий режа тузишган. Жиноий режага кўра:

- “Алижон” Тожикистондан Ўзбекистонга гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи «Фахриддин»ни А.Абдраймов билан таништириб қўйиши;

- А.Абдраймов “Фахриддин”нинг кўрсатмасига асосан, Тошкент вилояти Бекобод туманида хуфёна беркитилган гиёҳвандлик воситаларини Тошкент шаҳрига ташиб келтириш, яна хуфёна жойга беркитиш, гиёҳвандлик воситалари беркитилган геолокация манзилени “Фахриддин”га юборишни ташкиллаштириши ва ҳар бир килограмм гиёҳвандлик воситаси учун 500 АҚШ доллари олиши ва тақсимлаши;

- Т.Буриев А.Абдраймовнинг кўрсатмасига асосан, гиёҳвандлик воситасини Тошкент вилояти Бекобод туманидан олиб, Тошкент шаҳрига етиб келишини назорат қилиши, яъни Б.Бегматов ва М.Каримов гиёҳвандлик воситаларини ташиб келаётганда, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан тезкор кузатувга олинган-олинмаганлиги ҳақида хабар бериши ва бунинг эвазига 100 грамм “Опий” гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун олиши;

- Б.Бегматов А.Абдраймовнинг кўрсатмасига асосан, “Фахриддин” юборган геолокация манзили бўйича хуфёна беркитилган жойдан гиёҳвандлик воситаларини олиб, Тошкент шаҳрига ташиб келиб яшириши ва бунинг эвазига ҳар бир килограмм гиёҳвандлик воситаси учун 200 АҚШ доллари олиши;



- М.Каримов Б.Бегматовнинг таклифига асосан, гиёҳвандлик воситаларини Тошкент вилояти Бекобод туманидан Тошкент шаҳрига етказиб келишини олдиндан била туриб, ўзининг бошқарувидаги автомашинада ҳайдовчи сифатида Тошкент вилояти Бекобод туманига бориб келиши ва бунинг эвазига Б.Бегматовдан моддий манфаат кўриши;

- А.Аширов Т.Буриевнинг кўрсатмасига асосан, Т.Буриев билан биргаликда гиёҳвандлик воситасини Тошкент вилояти Бекобод туманидан олиб, Тошкент шаҳрига ташиб келишини назорат қилиши ва бунинг эвазига 100 грамм “Опий” гиёҳвандлик воситасининг ярмини, яъни 50 граммини олиши;

- М.Доробов “Фахриддин”нинг кўрсатмасига асосан, Тошкент вилояти Бекобод туманида хуфёна беркитилган гиёҳвандлик воситасини олиб, А.Абдраймовга етказиши ва бунинг эвазига А.Абдраймовдан 500 АҚШ доллари олиши лозим бўлган.

Шунга кўра, 2022 йил бошларида А.Абдураймов «Алижон» орқали “Фахриддин” билан танишиб, “Фахриддин” билан 2022 йил бошидан октябрь ойи ўрталарига қадар “WhatsApp” мессенджери орқали ўзаро кўнғироқлашиб, “Фахриддин” томонидан Тожикистондан Тошкент вилояти Бекобод туманига контрабанда қилинган “Гашиш” ва “Опий” гиёҳвандлик воситалари беркитилган манзилдан олиб, Тошкент шаҳрига етказиб берилган ҳар бир килограмм гиёҳвандлик воситаси учун 500 АҚШ долларида хизмат ҳаққи сифатида олган.

Шундан сўнг, А.Абдраймов ўзининг фойдаланувидаги 90-164-43-84 рақамидан жиноий шериклари Т.Буриевнинг фойдаланувидаги 98-157-33-30 ва Б.Бегматовнинг фойдаланувидаги 94-665-77-78 рақамига кўнғироқ қилиб, Тожикистондан Тошкент вилояти Бекобод туманига контрабанда қилинган «Гашиш» ва «Опий» гиёҳвандлик воситаларини Тошкент шаҳрига етказиб беришни ҳамда ҳар бир килограмм гиёҳвандлик воситаси учун 200 АҚШ долларида беришни таклиф қилган ва Т.Буриев ҳамда Б.Бегматов А.Абдраймовнинг жиноий таклифига рози бўлишган.

2022 йил 18 октябрь куни тезкор кузатувга олинган Т.Буриев ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 01 U 719 UB бўлган «Lacetti Jentra» русумли автомашинасида жиноий шериги А.Аширов билан биргаликда, Б.Бегматов эса, жиноий шериги М.Каримов билан биргаликда М.Каримовнинг бошқарувидаги давлат рақами 01 K 329 VB бўлган “Nexia 3” русумли автотранспорт воситасида Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига гиёҳвандлик воситаларини олиш мақсадида боришган.

Шундан сўнг, 2022 йил 18 октябрь куни Б.Бегматов Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига кириш йўлида жойлашган қурилиши тугалланмаган масжид яқинида хуфёна беркитилган умумий вазни тахминан 4 кг. бўлган 2 дона ўрамдаги “Опий” ва 2 дона ўрамдаги “Гашиш” гиёҳвандлик воситаларини олиб, жиноий шериклари Т.Буриев ҳамда А.Ашировга кўнғироқ қилиб, уларга гиёҳвандлик воситаларини олганлиги юзасидан хабар бериб, Т.Буриев ва А.Ашировга Тошкент шаҳри Бектемир тумани Роҳат кўчасида учрашиш ва уларга ваъда қилинган 100 грамм “Опий” гиёҳвандлик воситасини беришга



келишиб, Б.Бегматовнинг ўзи М.Каримовнинг бошқарувидаги «Nexia 3» русумли автомашинада Тошкент шаҳри томон ҳаракатланган.

Сўнгра, 2022 йил 18 октябрь куни соат таҳминан 17 00 да Б.Бегматов ва М.Каримов Тошкент шаҳри Бектемир тумани Роҳат кўчасида жиноий шериклари Т.Буриев ҳамда А.Аширов билан олинган таҳминан 4 кг. «Опий» ва «Гашиш» гиёҳвандлик воситаларини ўзаро бўлишиш мақсадида учрашган вақтларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан тўхтатилиб, М.Каримовнинг бошқарувидаги давлат рақами 01 К 329 VB бўлган «Nexia 3» русумли автотранспорт воситаси кўздан кечирилганда, автомашина салонидаги қора рангли полиэтилен пакетнинг ичида 2 дона ўрамдаги «Опий» ва 2 дона ўрамдаги «Гашиш» гиёҳвандлик воситалари мавжудлиги аниқланган.

Тезкор-қидирув тадбирлари давом эттирилиб, Б.Бегматовнинг яшаш манзили – Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Паркент кўчаси 442-уй 35-хонадон кўздан кечирилганда, хонадон балконида турган иситиш печининг ичида Б.Бегматовга тегишли 1 дона кўк рангли ўрамнинг ичида бўлган 6 дона думалоқ шаклдаги ўрамда «Гашиш» гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда, 1.000 сўмлик пул купюрасига ўралган «Гашиш»га ўхшаш модда, кичик ҳажмли моддаларни ўлчашга мўлжалланган 1 дона «Uniweigh» номли электрон тарози, 3 дона қўлбола усулда ясалган гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишга мўлжалланган анжомлар мавжудлиги аниқланиб олинган.

Дастанбаки тергов давомида, Б.Бегматов қайд этилган 6 дона думалоқ шаклдаги ўрамда «Гашиш» гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддани 2022 йил октябрь ойининг бошларида «Фахриддин»дан олган 1 кг. «Гашиш» гиёҳвандлик воситасидан олганлиги аниқланган. Т.Буриевнинг яшаш манзили – Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Ғалабанинг 40-йиллиги мавзеси Сокин кўчаси 2-уй кўздан кечирилганда, Т.Буриевга тегишли «Kent Mix» номли тамаки қутиси ичида қўлбола усулда автоуловларни ёритиш мақсадида фойдаланиладиган кичик ҳажмли лампочкадан фойдаланган ҳолда ясалган, гиёҳвандлик воситалари истеъмоли учун фойдаланиладиган, ички юзасидаги доғ изларидан олинган эритма таркибида «Альфапирролидиновалерофенон (α-PVP)» излари мавжуд бўлган жиҳоз аниқланган.

*ИИВ Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 19.10.2022 йилги 1502-сонли эксперт хулосасига кўра, Б.Бегматовдан олинган 2 дона ўрамдаги ширали ва ёпишқоқ моддалар «Гашиш» эканлиги ва унинг оғирлиги 1.850,67 гр., қолган 2 та ўрамдаги тўқ жигар рангли моддалар «Опий» эканлиги ва унинг оғирлиги 2.013,71 гр.ни ташкил этиши аниқланган.*

*ИИВ Тошкент вилояти ИИББ Экспертиза ва криминалистика марказининг 19.10.2022 йилги 1503-сонли эксперт хулосасига кўра, Б.Бегматовнинг яшаш манзилдан олинган «Uniweigh» номли электрон тарози, 1 дона бакалажска қопқоғи, 1 дона қўлбола усулда ясалган темир мослама ва 1 дона ангишвонада фаол гиёҳвандлик воситаси «Тетрагидроканнабинол» юқлари мавжудлиги аниқланган.*

*ИИВ Тошкент вилояти ИИББ Экспертиза ва криминалистика марказининг 19.10.2022 йилги 1504-сонли эксперт хулосасига кўра, Б.Бегматовнинг яшаш манзилдан олинган соф вазни 101,49 гр.ни ташкил*



этган б дона думалоқ шаклда ўралган модда «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси, соф вазни 0,96 гр.ни ташиқ қилган 1.000 сўмлик пул купюрасига ўралган модда “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

ИИБ Тошкент вилояти ИИББ Экспертиза ва криминалистика марказининг 2022 йил 19 октябрь кунги 1505-сонли эксперт хулосасига кўра, Т.Буриевнинг яшаш манзилдан олинган «Kent Mix» номли тамаки қутиси ичида қўлбола усулда автоуловларни ёритиш мақсадида фойдаланиладиган кичик ҳажмли лампочкадан фойдаланган ҳолда ясалган, гиёҳвандлик воситалари истеъмоли учун фойдаланиладиган жихознинг ички юзасидаги доғ изларидан олинган эритма таркибида альфа-пирролидиновалерофенон (α-PVP) излари мавжудлиги аниқланган.

Созлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюросининг 02.11.2022 йилги 67-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, А.Абдраймовнинг сийдигида наша компоненти – “Каннабиноид” излари мавжудлиги аниқланган.

Созлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюросининг 02.11.2022 йилги 66-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, Т.Буриевнинг сийдигида наша компоненти – “Каннабионид” излари мавжудлиги аниқланган.

Созлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюросининг 01.11.2022 йилги 65-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, Б.Бегматовнинг сийдигида наша компоненти – “Каннабионид” излари мавжудлиги аниқланган.

Созлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюросининг 01.11.2022 йилги 63-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, М.Каримовнинг сийдигида наша компоненти – “Каннабионид” излари мавжудлиги аниқланган.

Созлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюросининг 01.11.2022 йилги 64-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, А.Ашировнинг сийдигида наша компоненти – “Каннабионид” излари мавжудлиги аниқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилги 878-сонли Қарори билан тасдиқланган 1-Рўйхатда, “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган моддалар туркумига киритилганлиги ҳамда 2,0 гр.дан ортиқ қисми кўп миқдорни ташиқ қилиши кўрсатилган.

Тезкор кузатувга олинган М.Доробов А.Абдраймовнинг жиноий шериги “Фахриддин” томонидан унга юборилган геолокация манзилига асосан, А.Абдраймов билан биргаликда фуқаро Хакимов Бехзодбек Бахтиёржон ўғлининг бошқарувидаги давлат рақами 40 Т 449 КА бўлган “Spark” русумли автотранспорт воситасида Тошкент вилояти Бекобод тумани “Ойбек” ф/у худудидан ўтган “Тошкент-Бекобод” ф/у йўналишидаги йўл бўйида ўрнатилган “2.3.1” йўл белгисининг ён тарафига бориб, мазкур манзилда хуфёна беркитилган сариқ ва қора рангли полиэтилен пакет билан ўралган



вазни тахминан 2 кг. бўлган ўткир ҳидли ташқи кўринишидан “Гашиш” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддани олган вақтида ушланган.

*Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 21.10.2022 йилги 1519-сонли эксперт хулосасига кўра, М.Доробовдан олинган 2 та ўрамдаги ширали, юмшоқ ва чўзинчоқ шаклдаги моддалар “Гашиш” деб номланиб, унинг оғирлиги 1.477,34 гр.ни ташкил этиши аниқланган.*

Тафтиш шикоятда иш бир томонлама кўрилгани, ишни кўришда ЖПК моддалари ва Олий суди Пленум қарорлари талабларига риоя қилинмагани, айби етарли далиллар билан исботланмаганлиги, иш ҳолатларидан тўлиқ хабари бўлмаганлиги, судланганлигига оид ҳолатлар тўлиқ ўрганилмаганига оид важлар келтириб, оилавий шароити оғирлигини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, иш ҳолатларига қайтадан аниқлик киритиш ва адолатли ҳукм чиқариш сўралган.

Тафтиш инстанцияси иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Раджаповнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган Т.Буриевнинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат З.Зарифовнинг шикоят важларини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПК 94,95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган далиллар асосида иш ҳолатлари биринчи инстанция суди томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган.

Жумладан, судланувчи Т.Буриевнинг суд ҳукмида баён этилган жиноятни содир этганликдаги айби, А.Абдраймов, М.Каримов, Б.Бегматов айбига тўлиқ, Т.Буриев қисман иқрорлик билдириб, А.Аширов ва М.Доробов иқрорлик билдирмасдан берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ Ш.Хайриев, Б.Ҳакимов, Б.Тураев ва бошқаларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, тезкор кузатув тадбирларини ўтказиш қарори, кечиктириб бўлмайдиган турар жойларни ва бошқа бино-иншоотлар, транспорт воситаларини кўздан кечириш баённомаси, нарсани олиб қўйиш баённомаси, М.Каримовга тегишли автомашинани кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал, Т.Буриевга тегишли транспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал, олиб қўйилган моддани назорат ўлчовидан ўтказиш баённомаси, Т.Буриевнинг яшаш манзилини кўздан кечириш ва



аниқланган ашёларни олиб қўйиш баённомаси, Б.Бегматовнинг яшаш манзилидан олинган моддани назорат ўлчови ўтказиш тўғрисидаги далолатнома, тушунтириш хатлари, шахсни тинтув қилиш баённомаси, Б.Хақимовнинг транспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси, судга оид кимёвий экспертиза ўтказиш қарори, хулосаси, таништириш баённомаси, судга оид кимёвий экспертиза ўтказиш тайинлаш қарори хулосаси, таништириш баённомаси, 20.10.2022 йилда жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, компьютер-техникавий экспертизасини тайинлаш қарори, хулосаси, таништириш баённомалари, судга оид наркологиya экспертизаси тайинлаш қарори, хулосаси, таништириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб топиш қарори, судга оид товаршунослик экспертизаси тайинлаш қарори, хулосалари ва таништириш баённомалари, судга оид уяли алоқа воситаларини баҳолаш қарори, хулосалари ва таништириш баённомаси, судланувчиларга тегишли уяли алоқа воситаларининг хотирасида мавжуд ва қайта тикланган маълумотларни кўздан кечириш баённомаси, судланувчиларни таниб олиш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тасдиқланган.

Бундан ташқари биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ С.Саидодилов ўз кўрсатувларида, 2022 йил 18 октябрь куни соат 16:50да таниши Ш.Хайриев билан Бектемир тумани худудида ўз ишлари билан юрган пайтларида, уларнинг олдиларига фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўтказилиши режалаштирилган тезкор қидирув тадбирида холис сифатида иштирок этишни сўрашгани, улар ходимларнинг таклифига рози бўлгач уларга ЖПК 74-моддасида келтирилган холиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришгани, сўнг биргаликда Бектемир тумани Роҳат кўчасига боришгани, ушбу манзилда ЙХХ ходимлари ёрдамида, олдиндан тезкор кузатувга олинган “Нексия 3” русумли, давлат рақами 01К329VB бўлган автотранспорт воситасини тўхтатишгани, автомашина хайдовчиси М.Каримов ва ушбу машинада бўлган йўловчи Б.Бегматовларга ходимлар ўзларини таништириб, уларни шахсий тинтувдан ўтказишгани, тинтув натижасида Б.Бегматовнинг ёнидан “Samsung A3” русумли, М.Каримовнинг ёнидан эса “Redmi Note 8” ва “Samsung Verizon” русумли телефон аппаратлари аниқланиб, олингани, М.Каримовнинг бошқарувидаги “Нексия 3” русумли, давлат рақами 01К329VB бўлган автотранспорт воситаси кўздан кечирилганда, автомашина олд ўриндиғининг олдида қора рангли полиэтилен пакетнинг ичида бўлган 4 дона шаффоф стретч пакетларга ўралган ҳолатдаги ўткир хидли, тўқ жигарранг, ташқи кўринишидан “Гашиш” ва “Опий” гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш моддалар аниқланиб, олингани, тезкор тадбирнинг барча иштирокчилари гувоҳлигида 1 дона хўжалик қопага солиниб муҳрлангани, ҳолат содир бўлган жойда қора рангли “Жентра” русумли давлат рақами 01U719UB бўлган автомашина бошқарувчиси Т.Буриев ва йўловчиси А.Аширов ҳам шахсий тинтувдан ўтказилганда, Т.Буриевнинг ёнидан “Samsung S22”, А.Ашировнинг ёнидан “Novey” русумли



телефон аппаратлари мавжудлиги аниқланиб, олингани, Т.Буриевнинг бошқарувидаги автомашинада тақиқланган, истеъмолдан чиқарилган ноқонуний нарса-буюмлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ўқ-дори ва бошқа жиноят предметлари мавжуд-мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ходимлар у ва яна бир нафар холис ҳамда видеотасвирга олувчи шахс иштирокида автомашинани кўздан кечиришгани, ҳеч қандай ноқонуний буюмлар аниқланмагани, сўнг улар Б.Бегматовнинг яшаш манзили Яшнобод тумани, Паркент кўчаси 442-уй 35-хонадонга бориб, ушбу манзилда ўтказилган кўздан кечириш давомида, Б.Бегматовга тегишли бўлган 1 дона кўк рангли полиэтилен целлофан парчасига ўралган, ўткир хидли, ташқи кўринишидан “Ташиш”га ўхшаш модда, 6 дона думалоқ шаклда қадоқланган ташқи кўринишидан “Ташиш”га ўхшаш модда, 1.000 сўмлик пул купюрасига ўралган ҳолатдаги ташқи кўринишидан “Марихуана” га ўхшаш модда, 1 дона “Uniweight” номли электрон тарози, 3 дона гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишга мўлжаллаб кўлбола усулда ясалган анжомлар мавжудлиги аниқланиб, олинганлиги, шундан кейин улар ушланган шахслар билан биргаликда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг биносига боришгани, ушбу манзилда, юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан барча тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тадбир иштирокчиларига баланд овозда ўқиб эшиттирилгани ва иштирокчиларда ариза-шикоятлар йўқлиги маълум қилинган, тузилган ҳужжатлар имзолангани, тезкор тадбирдаги барча тезкор-қидирув ҳаракатлари видеокамера воситасида узлуксиз тасвирга олингани, у ва таниши Ш.Хайриев мазкур тадбирда бошидан охиригача ўз хохишлари билан иштирок этгани, Б.Бегматов, М.Каримов, Т.Буриев ва А.Ашировларни ушлаш жараёнида уларга нисбатан тезкор ходимлар томонидан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар, жисмоний ёки руҳий тазйиқлар ўтказилмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Биринчи инстанция суди томонидан Т.Буриевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 5-қисми ва 28,246-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи Т.Буриевга жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбига қисман иқрорлиги ва чин кўнглидан амалда пушаймонлигини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилганлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга у айбли деб топилган моддалар санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб тўғри хулосага келган.



Тафтиш шикоятда, Т.Бўриевнинг шахсига оид маълумотларга судларнинг эътибори қаратилмаганига оид важлар келтирилган бўлсада, тафтиш инстанцияси қуйидагиларга асосан ушбу важ билан келишмади.

Т.Бўриевга жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 21.07.2004 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 4-қисми “в” банди билан, ЖК 59-моддаси 4-қисми тартибида 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони ўташ муддати 27.09.2001 йилдан ҳисобланган, 27.12.2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 30.11.2006 йилдаги Амнистия қарори 4-банди”га асосан жазодан озод этилган.

Бироқ унинг судланганлик муддати тугалланмасдан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза (Яшнобод) туман судининг 02.08.2012 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддаси 3-қисми “а” банди билан, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо 22.02.2012 йилдан бошланиши белгиланган, 04.08.2014 йилдан ЖК 74 моддасига асосан ўталмай қолган 4 йил 6 ой 18 куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 27.01.2017 йилдан, ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 3 ой жазосидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган.

ЖК 78-моддаси “д-ж” бандларида *“Шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади: ...*

*д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;*

*е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;*

*ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач.”* деб белгиланган.

ЖК 80-моддаси 4-қисмида *“Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаши муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.”*

Ушбу ҳолатда Т.Бўриевнинг 02.08.2012 йилдаги ҳукм билан тайинланган жазо бўйича 2 йил 5 ой 12 кун (22.02.2012 йилдан 04.08.2014 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб, 27.01.2017 йилдан 4 йил ўтгач судланганлиги тугалланиши мумкин бўлсада, унинг олдинги - 21.07.2004 йилдаги ҳукм бўйича 5 йил 2 ой 2 кун (27.09.2001 йилдан 27.12.2006 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганига ва ушбу ҳукм бўйича ўтиши лозим бўлган 7 йиллик муддат ўтмасдан янги жиноят содир этилган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати ЖК 80-моддаси 4-қисми талабидан келиб чиқиб, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганини асосли деб топди.



Юқоридагиларга асосан, 27.01.2017 йилдан бошлаб 7 йиллик муддат ўтмасдан туриб Т.Бўриев содир этган жиноят бўйича, биринчи инстанция суди уни “ўта хавфли рецедивист” деб топиш ҳақида асосли хулосага келган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланган Т.Буриевнинг важларига тўлиқ баҳо бериб, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, асосли хулосага келган.

Жиноят иши ҳужжатларида, Т.Буриевга нисбатан қабул қилинган суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асослар мавжуд эмас.

ЖПК 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 20.06.2023 йилдаги ҳукми ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 07.09.2023 йилдаги ажримининг Буриев Тоир Махмуджоновичга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ажримдан норози томон ЖПКнинг 510-512-моддалари тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи: имзо М.Мирзохидов

Судлов ҳайъати судьялари: имзо Н.Касимова

имзо О.Мухаммадиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри \_\_\_\_\_

